

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.В.91.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ

ХУДАЙБЕРГАНОВ НОРБЕК АТАБАЕВИЧ

**ХОРАЗМ ВОҲАСИ ШАРОИТИДА МУРАККАБГУЛЛИЛАР
(*ASTERACEAE*) ОИЛАСИГА МАНСУБ ИСТИҚБОЛЛИ ДОРИВОР
ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ИНТРОДУКЦИЯСИ ВА ПЛАНТАЦИЯЛАРИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ**

03.00.05 - Ботаника

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Гулистон – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Худайберганов Норбек Атабаевич

Хоразм воҳаси шароитида Мураккабгуллилар (*Asteraceae*) оиласига мансуб истиқболли доривор ўсимликларнинг интродукцияси ва плантацияларини ташкил этиш..... 3

Худайберганов Норбек Атабаевич

Интродукция и создание плантаций перспективных лекарственных растений семейства сложноцветных (*Asteraceae*) в условиях Хорезмского оазиса..... 21

Khudayberganov Norbek Atabaevich

Introduction and creation of plantations of promising medicinal plants family of asteraceae in the conditions of Khorezm oasis..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.В.91.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ

ХУДАЙБЕРГАНОВ НОРБЕК АТАБАЕВИЧ

**ХОРАЗМ ВОҲАСИ ШАРОИТИДА МУРАККАБГУЛЛИЛАР
(*ASTERACEAE*) ОИЛАСИГА МАНСУБ ИСТИҚБОЛЛИ ДОРИВОР
ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ИНТРОДУКЦИЯСИ ВА ПЛАНТАЦИЯЛАРИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ**

03.00.05 - Ботаника

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Гулистон – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/B312 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Хоразм Маъмур академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.Guldu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Тўхтаев Бобокул Ёркулович биология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Адилов Бехзод Абдуллаевич биология фанлари доктори, катта илмий ходим Ҳайдаров Хислат Қудратович биология фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Жиззах давлат педагогика университети

Диссертация химояси Гулистон давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.B.91.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил 23.09 кунини соат 11.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 120100, Сирдарё вилояти Гулистон шаҳри, 4-мавзе Тел.: (+99867) 225-39-25, факс (+99867) 225-39-25, E-mail: gluinfo@edu.uz.)

Диссертация билан Гулистон давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 1 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 120100, Сирдарё вилояти Гулистон шаҳри, 4-мавзе Тел.: (+99867) 225-39-25.

Диссертация автореферати 2023 йил 23.09 кунини тарқатилди.

(2023 йил «9» 09 даги №1 сонли реестр баённомаси)

 **А.Назиев**
Илмий кенгаш аъзоси, раҳбар илмий кенгаш
раиси б.ф.д., профессор

Ф.П.Гаибназарова
Илмий кенгаш аъзоси, раҳбар илмий кенгаш
аъзоси б.ф.ф.д. (PhD) доцент

Э.Б.Шакарбоев
Илмий кенгаш аъзоси, раҳбар илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси
б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё миқёсида фармацевтика саноатининг ривожланиши натижасида доривор ўсимликларга талаб ортиб бормоқда. Яъни, доривор ўсимликларни биоморфологик хусусиятларини ўрганиш, интродукция ишларини олиб бориш, улардан плантациялар ташкил қилиш, доривор препаратларни табиийлаштириш ва маҳаллийлаштириш, уларни доривор ўсимликларнинг субстанциялари асосида ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, ушбу кўрсаткични 70-80 % га етказиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда доривор ўсимлик турларининг камайиб кетиш сабабларини аниқлаш, уларни сақлаб қолиш ва кўпайтириш йўллариини такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шунга кўра, катта майдонларда истиқболли доривор ўсимликларни илмий асосда етиштириш фармацевтика саноатини етарли хом ашё билан таъминлашда энг истиқболли манбаи бўлиб хизмат қилади. Айниқса, доривор ўсимликлардан *M. chamomilla* ва *C. officinalis* лардан фармсаноатда фойдаланиш учун уларнинг хом-ашёсидан олинган доривор воситаларга бўлган талабнинг кундан-кунга кучайиб бориши ўсимликларнинг турли хил шароитларда кўпайтириш, плантациялар ташкил этиш ва сифатли хом ашё олишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикада *Asteraceae* оиласига мансуб *M. chamomilla* ва *C. officinalis* ларнинг ўсиши ва ривожланиши, шўрланган ерларда плантацияларини ташкил этиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «мамлакатда ишлаб чиқариладиган дори-дармон ва тиббиёт воситалари улушини 80 % етказиш» муҳим вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда *Asteraceae* оиласига мансуб *M. chamomilla* ва *C. officinalis* турларини Республикада шўрланган ерларда интродукция қилиш, интродукцион баҳолаш, фитокимёвий таркибини аниқлаш, кўпайтириш ва плантацияларини ташкил этиш ҳамда амалиётга жорий этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 майдаги ««Нукус-фарм», «Зомин-фарм», «Косонсой-фарм», «Сирдарё-фарм», «Бойсун-фарм», «Паркент-фарм» ва «Бўстонлик-фарм»» ПФ-5032 сонли² ва 2022-йил 20 майдаги «Доривор ўсимликлар хом ашё базасидан самарали фойдаланиш, қайта ишлашни қўллаб-қувватлаш орқали кўшимча қиймат занжирини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-139 сонли фармонлари ҳамда 2018 йил 14-февралдаги «Фарматцевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПҚ-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 майдаги ПФ-5032- сон ««Нукус-фарм», «Зомин-фарм», «Косонсой-фарм», «Сирдарё-фарм», «Бойсун-фарм», «Паркент-фарм» ва «Бўстонлик-фарм» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида» ги Фармони.

3532-сонли, 2020 йил 10 апрелдаги «Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш тўғрисида» ги ПҚ-4670-сонли , 2020 йил 26 ноябрдаги «Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, уларнинг уруғчилигини йўлга қўйишни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПҚ-4901-сонли ва 2022-йил 20- майда «Доривор ўсимликларни маданий ҳолда етиштириш ва қайта ишлаш ҳамда даволашда улардан кенг фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-251 сон³ қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. *Matricaria chamomilla* ва *Calendula officinalis*нинг таксономияси, тарқалиши, морфологияси ҳамда ўсиш-ривожланиши А. Chauhan (2007), O.Singh (2011), A.K. Khalid (2012), уруғларининг унувчанлиги экиш муддатлари ва меъёрлари F.G. Arjenaki (2011), қурғоқчиликка ва шўрга чидамлилиги К. Razmjoo (2008), ҳосилдорлиги ва кимёвий таркиби тўғрисидаги маълумотларни Muley B., Khadabadi S. (2009), каби бир қатор хорижий олимларнинг ишларида келтирилган.

МДХ мамлакатларида *Matricaria chamomilla* ва *Calendula officinalis*нинг вегетатив органларини илдиз системасининг тузилиши, уруғ маҳсулдорлиги, кимёвий таркиби, қурғоқчиликка чидамлилиги, экиш муддатлари ва меъёрлари бўйича маълумотлар И.В. Бурцева(2004), А.А. Аметов (2010), С.А. Тоцкая (2010), Л.В. Биктимирова (2013), А.Sh. Bahraman (2020), И.Н. Кузьменко (2021) ва бошқалар ишларида ўз ифодасини топган.

Ўзбекистонда Ю.М. Мурдахаев (1990), Б.Ё. Тўхтаев (2009), Р. Собиров (2013), А.М. Бегматов (2019), Э.Т. Ахмедов (2021), У. Юсупов (2022) ва бошқалар *Matricaria chamomilla* ва *Calendula officinalis*нинг морфобиологик хусусиятларини, турли хил иқлим-тупроқ шароитларда интродукцияси, етиштириш агротехникасини ҳамда антибактериал фаолликларига оид тадқиқотлар олиб борганлар.

Matricaria chamomilla ва *Calendula officinalis* турларининг плантация шароитида биоморфологик хусусиятларини, онтогенез давомида мавсумий ўсиш ва ривожланишини аниқлаш. Хоразм воҳаси шароитида плантацияларини ташкил қилиш ҳамда улардан юқори ҳосил олиш чора-

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 майдаги ПҚ-251-сон “Доривор ўсимликларни маданий ҳолда етиштириш ва қайта ишлаш ҳамда даволашда улардан кенг фойдаланишни ташкил этиш чора-тад-бирлари тўғрисида”ги Қарори.

тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация иши Хоразм Маъмун Академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ПЗ-2017092435 »Хоразм вилояти шароитида доривор ўсимликларни ўстириш ва улар асосида биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқиш» (2018-2020 йй.) лойихаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Хоразм воҳасининг тупроқ ва иқлим шароитида Мураккабгуллилар(*Asteraceae*) оиласига мансуб истиқболли доривор ўсимликлар - *Matricaria chamomilla* ва *Calendula officinalis*нинг интродукцияси, биоэкологик аспектиларини аниқлаш ҳамда плантацияларини ташкил этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Хоразм воҳаси шароитида *M. chamomilla* ва *C. officinalis*нинг уруғларини лаборатория ва далада унвчанлигини аниқлаш;

M. chamomilla ва *C. officinalis*ни интродукция шароитида ўсиши, ривожланишини, фенологиясини ўрганиш ҳамда онтогенезининг асосий даврлари ва босқичларини таҳлил этиш;

M. chamomilla ва *C. officinalis* интродукцияси ва интродукцион баҳолаш асосида уларнинг истиқболлигини белгилаш;

M. chamomilla ва *C. officinalis*нинг плантацияларини ташкил этиш ва уларнинг агротехникаси;

M. chamomilla ва *C. officinalis*нинг кимёвий таркибини аниқлаш ва таҳлил этиш;

M. chamomilla ва *C. officinalis* биоэкологик хусусиятлари, интродукцион чидамлилиги ва кимёвий таркибини қиёсий ўрганган ҳолда плантациялар ташкил этиш ҳудудларини олдиндан белгилаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Мураккабгуллилар оиласига мансуб 2 тур - доривор мойчечак (*Matricaria chamomilla* L.) ва доривор тирноқгул - (*Calendula officinalis* L.) олинган.

Тадқиқотнинг предметини ўсимликларни иқлим ва эдофактор(тупроқ) шароитида интродукцияси, фенологияси, биометрияси, мавсумий ривожланиш мароми, онтогенези, етиштириш усуллари ва фитокимёвий таркиби ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда дала тажрибалари, лаборатория, фенологик, биометрик, кимёвий, морфологик усуллар ҳамда олинган тадқиқот натижаларининг математик-статистик ва қиёсий таҳлил усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Хоразм воҳасининг тупроқ ва иқлим шароитида *M. chamomilla* ва *C. officinalis*ни интродукция шароитида ўсиши ва ривожланиши ҳамда онтогенезининг асосий даврлари ва босқичлари аниқланган;

экиш муддати ва чуқурлигини *M. chamomilla* ва *C. officinalis* ҳом ашёлари миқдори ва сифатини белгиловчи асосий индикатор эканлиги

асосланган;

Хоразм воҳасининг шўрланган тупроқларида биринчи марта *M. chamomilla* ва *C. officinalis*нинг интродукцион чидамлилик даражаси баҳоланган;

M. chamomilla ва *C. officinalis* хом ашёсининг фитокимёвий таркиби аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Хоразм воҳасининг тупроқ-иқлим шароити учун *M. chamomilla* ва *C. officinalis*лар плантацияларини ташкил этиш учун оптимал экиш тартиби ва схемалари ишлаб чиқилган;

M. chamomilla ва *C. officinalis*ларни етиштириш жараёнидаги агротехник тадбирлар ва касаллик ҳамда зараркунандалардан ҳимоя қилиш чоралари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги: Бажарилган кўп йиллик дала тажрибаларининг методик жиҳатдан тўғри бажарилганлиги ва апробация комиссиялари томонидан юқори баҳоланганлиги, олинган натижаларнинг назарий маълумотлар билан тасдиқланганлиги, натижаларнинг қиёсий таҳлили, тўғрисидаги маълумотларнинг республика, халқаро илмий амалий анжуманларда муҳокамаси, етакчи маҳаллий илмий журналларда ва импакт-фактори юқори бўлган хорижий журналларда чоп этилгани, Хоразм воҳасининг шароитига мос *M. chamomilla* ва *C. officinalis* турларининг танланганлиги ҳамда амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти *M. chamomilla* ва *C. officinalis*ларнинг онтогенез даврлари ва босқичларига боғлиқ ҳолда интродукцион чидамлилик даражаси, ўсиши, ривожланишини, фенологияси, гуллаш биологияси, уруғ унувчанлиги ҳамда хосилдорлигининг аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти эса *M. chamomilla* ва *C. officinalis* хом ашёсининг фитокимёвий таркибини таҳлил қилиш асосида импорт ўрнини босувчи сифатли хом ашё олиш мумкинлиги, *M. chamomilla* ва *C. officinalis*нинг зараркунандалари ва касалликларини аниқлаш ҳамда уларга қарши кураш чоралари ишлаб чиқилганлиги, Хоразм воҳасининг шўрланган тупроқларида *M. chamomilla* ва *C. officinalis*ларнинг плантацияларини ташкил этиш ва унинг плантацион агротехникаси ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хоразм воҳаси шароитида Мураккабгулдилар (*Asteraceae*) оиласига мансуб истикболли доривор ўсимликларнинг интродукцияси ва плантацияларини ташкил этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

доривор мойчечак ўсимлиги етиштиришнинг маҳаллий иқлим ва тупроқ шароитидаги агротехникаси, хом-ашёсини йиғиштириб олиш ҳамда қайта ишлаш усулларида №ПЗ-2017092435 ”Хоразм вилояти шароитида доривор ўсимликларни ўстириш ва улар асосида биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий лойиҳасини бажаришда фойдаланилган

(Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2021 йил 24 июлдаги 4/1255-2092-сон маълумотномаси). Натижада, доривор ўсимликларни ўстириш ва улар асосида биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқиш имконини берган;

M. chamomilla ва *C. officinalis*нинг турларини кўпайтириш ҳамда етиштиришнинг энг оптимал меъёрлари Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти шўрланган тупроқли худудларида фаолият олиб бораётган ўрмончилик хўжаликлари ҳамда фермер хўжаликлари амалиётига жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 21.10.2022 йил 1-612-сон маълумотномаси). Натижада, Қорақалпоғистон Республикаси Давлат ўрмон хўжалигида 2,5 га *M. chamomilla* ва 1,5 га *C. officinalis* плантацияларини ташкил этилган, *M. chamomilla* куруқ ҳолда 938,8 кг/га ёки ўртача 9,38 ц/га ни, *C. officinalis* эса куруқ ҳолда 1597,5 кг/га ни ёки ўртача 15,98 ц/га ни ҳосил олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур илмий тадқиқот натижалари 11 та, жумладан, 5 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш нашр этилган. Шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 та республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 111 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган илмий тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, ишнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Мурақабгуллилар оиласига оид интродуцент истиқболли доривор ўсимликлар - *M. chamomilla* ва *C. officinalis*нинг ўрганиш тарихи. Хориж ва республикамиз миқёсида олиб борилган илмий ва амалий ишлар**» деб номланган биринчи бобида мазкур ўсимликларга оид хорижий давлатлар ва мамлакатимиз олимлари томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Мазкур бобда Мурақабгуллилар оиласига мансуб доривор ўсимликлар

M. chamomilla ва *C. officinalis*нинг систематикаси, табиий флораси, табиий ва интродукция шароитларида биоэкологик хусусиятлари, халқ хўжалигидаги аҳамияти ва кенг масштабда плантацияларини ташкил этиш бўйича чет элда ва республикада шароитида амалга оширилган илмий – амалий тадбирлар борасида фикр юритилган.

Диссертациянинг «**Хоразм воҳасининг тупроқ ва иқлим шароитлари: физик - географик таҳлили, илмий ишнинг объекти ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида Хоразм воҳасининг тупроқ ва иқлим шароитлари: физик - географик таҳлили, илмий ишнинг объекти ва услублари батафсил ёритилган. Тажрибалар ўтказилган ҳудудларнинг иқлим шароити ва тупроқнинг агрокимёвий таркиби, тадқиқот усуллари, шу жумладан, Муракабгуллилар оиласига мансуб *M. chamomilla* ва *C. officinalis* доривор ўсимликларнинг уруғларнинг унувчанлиги, мавсумий ривожланиш маромини, морфологик белгилари, биоэкологик хусусиятларини онтогенезда ўрганишда ҳамда ўсимликларнинг гуллаш биологияси, уларнинг суткалик ҳамда мавсумий динамикасини ўрганиш ва интродукцион баҳолаш, тўпгулларнинг фитокимёвий таркибини аниқлаш усуллари келтирилган.

Илмий тажрибалар 2019-2021 йилларда Хоразм Маъмун академияси экспериментал базаси ҳамда плантацион масштабдаги амалий ишлар Хива туманидаги Ўрмон хўжалиги илмий тадқиқот институтининг Қорақум илмий тажриба станцияси далаларида олиб борилди. Плантацион амалий ишларда илмий тажрибалар давомида оптимал сифатида танланган агротехник тадбирлардан фойдаланилди.

Диссертациянинг «***Matricaria chamomilla* ва *Calendula officinalis* нинг интродукция шароитида биоэкологик хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида тадқиқотдан олинган натижалар таҳлил қилинган.

Бобнинг биринчи бўлимида *M. chamomilla* ва *C. officinalis*нинг лаборатория шароитида уруғ унувчанлигини оптимал ҳароратни аниқлаш мақсадида +10 °С, +15 °С, +20 °С, +25 °С, +30 °С, +35 °С. ларда термостатда уруғларни 3 қайтарилишда Петри лycopчаларига филтър қоғоз тўшалиб, 100 донадан сеиб чиқилди.

Тажрибалар натижасига кўра *M. chamomilla*нинг лаборатория шароитида уруғ унувчанлигини оптимал ҳарорати 20 °С бўлиб, ушбу ҳароратда унувчанлиги энг юқори 92,6±0,95 % ни ташкил этган бўлса, *C. officinalis* да эса оптимал ҳарорат 25 °С га тўғри келди ва уруғларнинг унувчанлиги 90,1±0,84 % ни ташкил этди.

Шунингдек, *M. chamomilla* уруғларнинг унувчанлигига экиш муддатининг таъсирини ва оптимал экиш муддатлари аниқлаш мақсадида икки хил муддат (куз ва баҳор) да амалга оширилди ва уруғлар униб чиққан давригача доимий равишда кузатиб борилди ва таҳлил қилинди.

Хоразм Маъмун академияси экспериментал базасидаги тажриба майдонида алоҳида тайёрланган қаторларга уруғлар 100 донадан 3 қаторга 3 такрорланишда асосида экиб чиқилди.

Тажрибаларнинг кўрсатишича, *M. chamomilla* учун куз (октябр) ойида

экилган уруғларнинг унувчанлиги дала шаротида юқори ўртача $84,9 \pm 0,81$ % - $86,53 \pm 0,77$ % ни ташкил этган.

C. officinalis уруғлари экиш чуқурлигини унувчанлигига таъсирини ўрганиш мақсадида ҳеч қандай ишлов берилмаган тупроққа турлича тупроқ чуқурлиги (1-2, 2-3, 3-4 см) га экилди. Тирноқгул уруғ унувчанлиги оптимал вариант баҳорда (март ойида) 2-3 см чуқурликка экиш варианты ва унувчанлиги $84,8 \pm 0,86$ % ни ташкил этган.

Бобнинг иккинчи бўлимида *M. chamomilla* ва *C. officinalis* интродукцияси, ўсиши ва ривожланиши (морфобиометрик кўрсаткичлар) нинг динамик кўрсаткичлари тадқиқ қилинган.

Кузги мавсумда экилган *M. chamomilla*да уруғдан унучанлиги қайд этилиши билан ўсимликларнинг барги кўплиги, қиш мавсумини шу ҳолда ўтказиб, ҳаво ва тупроқ ҳароратининг қулай ($10-15$ °C) бўлиши билан шохланади. Ўсимлик барглари ва шохлар, билан зичлашади, габарит кўриниши билан тезда катталашади ва йириклашади.

Баҳор ойларида экилган ўсимлик уруғлари бир оз нимжон унувчанликка эга бўлади. Нимжон уруғ унувчанлиги табиийки ўсимликнинг ўсиши ва кейинчалик ривожланишига ҳам таъсир этади. Ўсимликнинг ер остки қисми ҳам анча нимжон бўлиб, кўриниш жиҳатидан попул илдизга ўхшаб кетади.

M. chamomilla кузги ва боҳорги муддатларда экилган ўсимликнинг морфобиометрик ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичларини таҳлил қиланимизда кузги муддатда экилган ўсимликларни пойасининг баланд бўлиши, барг, ғунчалар сони ва тўпгуллар сони кўп бўлиши билан боҳорги экилган ўсимликлардан фарқ қилди (1-жадвал).

1-жадвал

*M. chamomilla*нинг морфобиометрик кўрсаткичлари


Экиш муддати	Асосий поя			Новдалар						Ғунчалар сони	Тўп гуллар сони	Уруғ, мева сони	
				I-тартибли			II-тартибли					Шакланган	Пишган тўп
	Баландлиги, см	Барг сони	Барг тўқилиши	Сони	Узунлиги, см	Барг сони	Сони	Узунлиги, см	Барг сони				
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
Куз	43,1 ± 0,4	35,1 ± 0,3	4,4 ± 0,2	22,7 ± 0,2	21,1 ± 0,5	19,2 ± 0,3	11,5 ± 0,1	15,1 ± 0,2	11,7 ± 0,4	27,2 ± 0,3	23,1 ± 0,5	20,2 ± 0,6	17,1 ± 0,2
Баҳор	35,5 ± 0,2	28,7 ± 0,4	2,4 ± 0,5	17,5 ± 0,7	18,4 ± 0,5	15,6 ± 0,7	9,8 ± 0,7	11,1 ± 0,3	9,2 ± 0,5	17,3 ± 0,5	17,4 ± 0,3	17,2 ± 0,2	11,8 ± 0,1

Кузатишларимиз шуни кўрсатдики *C. officinalis* ўсиш жадаллиги ва морфобиометрик кўрсаткичлари турли чуқурликда экилган вариантларда турлича бўлди. Яъни 2-3 см чуқурликда экилган ўсимликларимизда кўрсаткичлар юқори бўлди. (2-жадвал).

***C. officinalis*нинг морфобиометрик кўрсаткичларига экиш чуқурлигининг таъсири**

Экиш чуқурлиги (см)	Асосий поя		Новдалар						Гунчалар сони	Гуллар сони	Уруғ, мева сони	
			I-тартибли			II-тартибли						
	Баландлиги, см	Барг сони	Сони	Узунлиги, см	Барг сони	Сони	Узунлиги, см	Барг сони			Шақланган	Пишган тўп
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
1-2	41,6 ± 0,4	52,4 ± 0,4	22,4 ± 0,3	17,4 ± 0,9	28,3 ± 0,5	6,6 ± 0,5	13,7 ± 0,6	22,3 ± 0,4	14,7 ± 0,2	15,2 ± 0,6	14,7 ± 0,3	10,3 ± 0,7
2-3	48,5 ± 0,6	65,2 ± 0,3	25,4 ± 0,8	20,2 ± 0,9	30,2 ± 0,3	7,8 ± 0,7	15,2 ± 0,1	25,8 ± 0,2	16,7 ± 0,3	17,8 ± 0,6	16,5 ± 0,7	14,2 ± 0,4
3-4	42,8 ± 0,4	51,4 ± 0,9	20,6 ± 0,5	15,4 ± 0,5	25,8 ± 0,2	5,2 ± 0,4	12,7 ± 0,5	21,3 ± 0,7	13,2 ± 0,7	14,2 ± 0,5	13,3 ± 0,9	10,4 ± 0,3

Бобнинг учинчи бўлими *M. chamomilla* ва *C. officinalis*нинг фенологияси ва онтогенез (латент, виргинил, генератив ва сенил) даврларига бағишланган бўлиб, олиб борилган тадқиқот натижаларига асосан *M. chamomilla* ни экиш муддатлари ва усуллари ўсимликнинг онтогенез даврларига, вегетация даврида ўсиш ва ривожланиш динамикасига ҳам таъсир қилади (1-расм).




Кузги муддатда

Баҳорги муддатда

1-расм. Куз ва баҳор муддатларида экилган *M. chamomilla*нинг ўсиш ва ривожланиш динамикаси

Шартли белгилар: P - майса босқичи, J - ювенил босқичи; im - имматур босқичи; V – виргинил босқичи; g - генератив даври. 1- унган майса -; 2 - оддий барг ҳосил бўлиши; 3 - икки томонлама барг; 4 - ён куртаклар; 5 – тўпгул сават ҳосил бўлиши; 6 - асосий илдиз; 7 - 1-тартиб ён илдизлар ҳосил бўлиши.

Қуйидаги расмларда доривор мойчечакнинг фенологик босқичлари асосида кўрсатилган феноспектрлари келтирилган бўлиб, уларда ўсимликлар онтогенез даврларининг бошланиши, давом этиш ва ўтиш муддатлари яққол кўрсатилган (2-расм).




Шартли белгилар:



2-расм. *M.chamomilla*нинг мавсумий феноспектри (боҳорги ва кузги муддатларда)

S. officinalis вегетация даврининг давомийлигининг экиш вақтига ва экиш услубига қараб ўртача 191-245 кунни ташкил этди. Шунингдек, турли вақтларда экиш ёки экиш даврининг кечикиши билан умумий вегетация даври ва гуллаш даври қисқарганлигини кўрсатди.



1-2 см чуқурликда уруғ экилган

2-3 см чуқурликда уруғ экилган

3-4 см чуқурликда уруғ экилган


3-расм. Уруғлари 1-2 см, 2-3см, ва 3-4 см чуқурликда экилган *S. officinalis*нинг вегетация даврида ўсиш ва ривожланиш динамикаси

Шартли белгилар: *P* - майса босқичи, *J* - ювенил босқичи; *im* - имматур босқичи; *V* – виргинил босқич; *g₁* - Ёш генератив босқичи, *g₂* - ўрта ёшли генератив босқичи; *g₃* - қари ёшли генератив босқичи .

Илмий тажрибаларда кузатилганидек, онтогенез даврлари ва вегетация даврининг давомийлиги, экиш вақтига қараб, сезиларли даражада ўзгармади.

Лекин бу кўрсаткичлар экиш муддати ва чуқурлигига кўра, ижобий таъсирга эга эканлиги 4-расмда кўрсатилган.

Доривор тирноқгул фенологик фазаларининг бошланиши, фазалараро давомийлиги ҳамда фазаларнинг якуни, биринчи қараганда об-ҳаво шароитига боғлиқлиги асосий бўлиб кўринади лекин чуқурроқ таҳлил қилганда энг таъсир қилувчи фактор экиш чуқурлиги эканлиги аниқланди.



4-расм. *C. officinalis* нинг мавсумий феноспектри (экиш чуқурликларида, см)

Бобнинг тўртинчи бўлимида *M. chamomilla* ва *C. officinalis* нинг интродукцион баҳолаш тўғрисида маълумотлар берилган.

3-жадвал

M. chamomilla ни интродукцион шкала асосида баҳолаш

№	Кўрсаткичлар	Кўрсаткичлар даражаси						Юқори баҳо
		Кучли	20	Ўртача	15	Паст	5	
I	Шўрланишга чидамлилиги	Кучли	20	Ўртача	15	Паст	5	20
II	Намликка Бўлган талаби	Кам	15	Ўртача	10	Кўп	5	10
III	Юқори ҳароратга нисбатан ҳолати	Чидамли	15	Ўртача	10	Чидамсиз	5	15
IV	Паст ҳароратга нисбатан ҳолати	Чидамли	15	Ўртача	10	Чидамсиз	5	15
V	Табийий ҳолда кўпайиши	Жадал	20	Ўртача	15	Кўпаймайди	5	20
VI	Зараркунанда ва касалликларга чидамлилиги	Чидамли	15	Ўртача	10	Чидамсиз	5	10
Жами								90

Ўсимликлар интродукциясининг муваффақияти ундаги белгилар йиғиндиси билан баҳоланиб, улардан энг муҳими ўсимликнинг катта (онтогенетик) ва кичик (мавсумий) ҳаёт цикллари ўтишининг тўлиқлиги бўлиб ҳисобланади.

M. chamomilla Хоразм воҳасининг шўрланган тупроқларида 90 балл билан ўта истиқболли ўсимлик тури сифатида баҳоланди (3- жадвал).

Шундай қилиб, *C. officinalis* интродукция шароитида 80 балл тўплади ва истиқболли тур деб баҳоланди (4- жадвал).

4-жадвал

C. officinalis ни интродукцион шкала асосида баҳолаш

№	Кўрсаткичлар	Кўрсаткичлар даражаси						Юқори баҳо
		Кучли	20	Ўртача	15	Паст	5	
I	Шўрланишга чидамлилиги	Кучли	20	Ўртача	15	Паст	5	15
II	Намликка Бўлган талаби	Кам	15	Ўртача	10	Кўп	5	10
III	Юқори ҳароратга нисбатан ҳолати	Чидамли	15	Ўртача	10	Чидамсиз	5	15
IV	Паст ҳароратга нисбатан ҳолати	Чидамли	15	Ўртача	10	Чидамсиз	5	10
V	Табиий ҳолда кўпайиши	Жадал	20	Ўртача	15	Кўпаймайди	5	20
VI	Зараркунанда ва касалликларга чидамлилиги	Чидамли	15	Ўртача	10	Чидамсиз	5	10
Жами								80

Демак, *M. chamomilla* ва *C. officinalis* Хоразм воҳасининг тупроқ ва иқлим шароити учун ўта истиқболли турлар сифатида кенг масштабни плантациялар ташкил этишда тавсия этилди.

Диссертациянинг «Хоразм воҳаси шароитида *M. chamomilla* ва *C. officinalis* плантацияларни ташкил этиш, зараркунанда ва касалликларга қарши кураш» деб номланган тўртинчи бобида тажрибалар асосида ажратиб олинган энг оптимал вариант ва у вариант асосида плантациялар ташкил этиш борасида олиб борилган тадқиқотлар юзасидан фикр юритамиз (5-расм).

Диссертация ишининг юқорида келтирилган бўлимлари режасига мувофиқ барча олиб борилган тадбирлар Хоразм вилояти Хива туманида жойлашган Хоразм Маъмун академияси таржиба ер майдонида амалга оширилди.

Тажрибалар схемасида режалаштирилган илмий тадқиқотлар вариантлари ҳар бири 3 йил давомида тегишли такрорланган ҳолда синаб кўрилди ва кенг масштабдаги плантацияларини ташкил этиш учун энг оптимал вариант танланди.

M. chamomilla учун куз мавсумидаги экиш муддати, майдонда экиш

тартиби бўйича пуштасимон қаторлаб (60 см),

C. officinalis учун эрта баҳор(март ойининг биринчи декадаси) мавсумидаги экиш муддати, уруғнинг экиш чуқурлиги 2-3 см вариантлари ажратилди.



5-расм. Хоразм воҳаси тупроқ иқлим шароитида амалга оширилган илмий тадқиқотлар схемаси

M. chamomilla ва *C. officinalis* плантациялари ташкил этиш учун ер майдонлари Хоразм вилояти Хива туманидаги Ўрмон хўжалиги илмий тадқиқот институтининг Қорақум илмий тажриба станцияси ҳудудидан танланиб, майдон ўлчами *M. chamomilla* учун 2,5 га ва *C. officinalis* учун 1,5 га ташкил этди.

2020 йилнинг октябрь ойида *M. chamomilla* экиш учун мўлжалланган 2,5 га танланган майдонлар 20-25 см чуқурликда шудгор қилинди, чизелланди ва октябрь ойининг охириги ўн кунлигида пуштасимон қатор (60 см) тортилди .

Танлаб олинган майдонга *M. chamomilla* уруғлари қўл билан оддий елим идишларга остки қисми тешилган ҳолда пуштасимон қатор (60 см) устки қисмига сепаб экилди. Уруғи ниҳоятда майда бўлганлиги учун, уни бир текис экиш мақсадида аввал уруғ 1/10 нисбатда қумга аралаштирилиб экилди. Ҳар гектарига 4-5 кг. уруғ сарфланди. Уруғ 8- 10 кунда униб чиқди.

Суғорилганда экинни ювиб кетмасилиги учун охиста жилдиратиб сув берилди. Сув сарфи 1 га майдонга 800-1000 м³ ни ташкил этди.

Ҳосилни тўпгулларини йиғиш Хоразм шароитида қўл терими билан амалга оширилди. Май ойининг охири ва июнь ойининг бошида плантацияда 40-50 та терувчи доривор мойчечак гулларини йиғишни амалга оширди. 1 кунда бир терувчи ўртача 30-33 кг хўл ҳолда ёки майдон жихатидан ўртача 100-110 м² (0,011га) гул хом ашёсини териши ҳисобга олинди.

M. chamomilla плантациясида тўпгулларни йиғиш икки марта қайтарилади. Сабаби, биринчи марта тўпгуллар терилгандан сўнг, қолган ғунчалар 6-7 кун мобайнида гуллаш босқичига кирганлиги кузатилди ва

иккинчи марта терим ўтказилди. Шунингдек, июн ойининг иккинчи декадасида қолган шохлардаги шоналарнинг очилиши учунчи теримни ташкил этади. Ҳисоб-китобларга қараганда, биринчи теримда 60-65 % ҳосил йиғилган бўлса, иккинчи теримда ҳосилнинг 15-18% қисми йиғилганлиги қайд этилди. Учинчи терим гул шохларни кесиш ҳосилнинг 17-25 % ни ташкил этади.

M. chamomilla плантациясида ўсимликнинг ҳосилдорлиги аниқланди. Ҳосилдорликни аниқлаш учун плантацияда 5 майдонча ажратилди ёки ҳисоб-китоблар 5 қайтарилиш асосида амалга оширилди.

Терилган гул саватчаларини тезда қуритиш учун махсус ангарлар танланиб, гуллар 24-25 °С ҳарорат остида, соя экспозицияда 13-15 % намликкача 3-4 кун мобайнида қуритилади. Махсус ангарларда ҳар бир квадрат метрга 4-5 кг. ҳисобида ёйилади.

Плантацияда доривор мойчечакнинг ҳосилдорлик миқдори ҳўл ҳолда ўртача 4224,9 кг/га ни ёки қуруқ ҳолда 938,8 кг/га ни ташкил этди (5-жадвал).

5-жадвал

Доривор мойчечакнинг плантациясида ҳосилдорлик кўрсаткичлари

Ажратилган майдонлар	Терилган гуллар оғирлиги, 1м ² /гр		1 га ҳисобидаги ҳосилдорлик, кг	
	Ҳўл ҳолда	Қуруқ ҳолда	Ҳўл ҳолда	Қуруқ ҳолда
1	348,30	77,40	3483,0	774,0
2	468,56	104,12	4685,60	1041,24
3	487,35	108,30	4873,50	1083,00
4	354,76	78,83	3547,60	788,35
5	453,5	100,77	4535,00	1007,77
Ўртача			4224,9	938,8

Йиғиб олинган тўпгулларни тезда қуритиш учун яхши шамол айланадиган ангарга олиб борилди. Бу ерда махсус ангарларда ҳар бир квадрат метрга 1-1,5 кг. ҳисобида ёйиб қуйилди.

C. officinalis 2020 йилнинг куз (октябр) мавсумида тайёрланган 1,5 га майдонда, 2021 йилнинг эрта баҳорда, уруғ 2-3 см экиш чуқурлигида экилди.

Танлаб олинган майдонга *C. officinalis* март ойининг биринчи декадасида гектарига 10-12 кг. дан уруғ 2-3 см чуқурликда экилди. Қатор оралари 60 см ни қилиб уруғ қўлда экиб чиқилди. Март ойининг иккинчи декадасида майса ҳосил бўлди. Ҳар туп кўчатда 3-4 та барг чиққанида эгатлар тўғриланди.

Биринчи ўтоқ вақтида ягона ҳам қилиниб, катор оралари 15-20 см масофада ҳар бир уяда 1-2 тадан ўсимлик қолдирилди. Мавсум давомида тирноқгул экинзори 13 марта суғорилди (майда-1, июнь-июль-август-2-3 мартадан, сентябрь-2 марта). Ҳар 2-3 суғоришдан кейин, шох-шаббаси бир-

бири билан тутшиб кетгунига қадар ер юмшатилади, қаторлар бегона ўсимликлардан тозаланди.

Ўсимликларнинг плантацияда дастлаб ёппасига гуллаш босқичи уруғ экилганидан кейин 45-50 кунда кузатилади. Ушбу вақт апрел ойининг 2 нчи декадаларига тўғри келади. Вегетация даврида (ноябр ойининг ўрталари) доривор тирноқгул 9-10 мартагача гуллайди ва терилади. *C. officinalis* нинг гул саватлари дастлаб анча йирик ва тўқ қизил рангда бўлади. Ҳаво ҳароратининг кўтарилиши билан гулнинг ранги оч тусга киради, сабаб гулнинг эфир мойлари ҳароратнинг кўтарилиши билан тез учади.

C. officinalis плантациясида бир туп доривор тирноқгулда 3-5 тадан гул ва 7-8 дона ғунчалар борлиги аниқланди.

Ҳосилдорликни аниқлаш учун плантацияда 5 майдонча ажратилди ёки ҳисоб-китоблар 5 қайтарилиш асосида амалга оширилди. Умуман айтганда, плантацияда ўртача ҳосилдорлик гектар ҳисобида ҳўл ҳолда 12780 кг ни, қуруқ ҳолда 1597,5 кг ни ёки ўртача гектар ҳисобида 15,98 центнер ни ташкил этди.

6-жадвал

Доривор тирноқгулнинг плантациясида ҳосилдорлик кўрсаткичлари

Ажратилган майдонлар	Вегетация давомида терилган гуллар оғирлиги, 1м ² /гр		1 га ҳисобдаги ҳосилдорлик, кг	
	Ҳўл ҳолда	Қуруқ ҳолда	Ҳўл ҳолда	Қуруқ ҳолда
1	130	16,25	11700	1462,5
2	170	21,25	15300	1912,5
3	120	15,00	10800	1350,0
4	140	17,50	12600	1575,0
5	150	18,75	13500	1687,5
Ўртача			12780	1597,5

Доривор тирноқгулнинг йиғиб олинган гул саватчаларини тезда қуритиш учун яхши шамол айланадиган махсус ангарда қуритиш керак. Гуллар 24-25 °С ҳарорат остида, соя экспозицияда 13 % намликкача 3-4 кун мобайнида қуритиш жараёни меъёрда бўлади. Махсус ангарларда ҳар бир квадрат метрга 1,5 -2,0 кг. ҳисобида ёйилади.

Доривор тирноқгул уруғи махсус ажратилган майдонда, уруғ тўлик пишиб етилган даврда мева саватчалар йиғиб олиниб, йиғилган хом-ашё уруғ олиш учун алоҳида жойга ёйилди. Уруғ ҳосилдорлиги гектар ҳисобига 240-250 кг ни ташкил этди.

Диссертациянинг «Хоразм воҳаси шароитида *M. chamomilla* ва *C. officinalis* хом ашёсининг кимёвий таҳлили» деб номланган бешинчи бобида Хоразм воҳаси тупроқ-иклим шароитида интродукция қилинган *M. chamomilla* ва *C. officinalis* ларни хом ашёси таркибидаги биологик фаол бирикмаларнинг ўзгаришлари, учувчан бирикмаларининг кимёвий таркибини баҳолаш ЎзР ФАси Ўсимликлар моддалари кимёси илмий тадқиқот

институтининг ходимлари билан ҳамкорликда кимёвий таҳлиллари амалга оширилди.

Бобнинг биринчи бўлимида 2019 ва 2020-йилларда интродукция қилинган *M. chamomilla* хом ашёсининг гексанли экстрактлари таркибидан тегишлича 13 тадан учувчан биологик фаол бирикмалар мавжудлиги аниқланди. Аниқланган бирикмалар орасидан асосий компонентлар сифатида монотерпеноидлар, сесквитерпеноидлар ҳамда узун занжирли углеводородлар сақлаганлиги аниқланди.

Бобнинг иккинчи бўлимида 2019 ва 2020-йилларда интродукция қилинган *C. officinalis*нинг хом ашёсининг бензол ва гексанли экстрактлари таркибидан тегишлича 2019 йилги ҳосилда 15 та ҳамда 2020 йилги ҳосилдан 14 тадан учувчан биологик фаол бирикмалар мавжудлиги ва хом ашёсининг асосий компонентлари ва тузилиш формулалари аниқланди. Аниқланган бирикмалар орасидан асосий компонентлар сифатида сесквитерпеноидлар, ҳамда узун занжирли углеводородлар сақлаганлиги аниқланди.

ХУЛОСАЛАР

1. Лаборатория шароитида *M. chamomilla* учун оптимал ҳарорат 20 °С ни (унувчанлиги 92,5 %) ва *C. officinalis* учун 25 °С (90,7%) ни ташкил этади. Ўсимликларнинг дала шароитида оптимал экиш муддати *M. chamomilla* кузги (86,3 %), *C. officinalis* да эса оптимал экиш чуқурлиги 2-3 см (85 %) ҳисобланади.

2. *M. chamomilla* куз мавсумида экилган уруғлари унувчанлигини (11 %) баҳорги мавсумга қараганда юқори бўлиши, кузги-қишки заҳира намлик ҳисобига майсаларининг жадал ривожланиши, майсаларининг баҳорда бегона ўсимликларнинг уйғониш давригача ер юзасини проектив жиҳатидан қоплаши ўсимликни кузда (октябр) экиш вариантини оптимал эканлигини изоҳлайди.

3. *C. officinalis* ни экишнинг энг мақбул варианты март ойининг 1-декадасида 2-3 см экиш чуқурлиги ҳисобланиб, бунда уруғларининг унучанлиги 3-4 кун олдинроқ кузатилади, генератив даврни 8-10 кун олдинроқ бошлайди ҳамда гулларини териш сони 1-2 марта кўп бўлади.

4. *M. chamomilla* ва *C. officinalis* ларнинг асосий хом ашёси бўлган тўпгулларининг очилиш динамикаси ўхшаш хусусиятга эга. Ҳар иккала турда ҳам тўпгулларининг очилишини бошланиши 1-5 кун, ялпи гуллаш 10-15, гуллашининг якуни эса 20-25 кун давомида амалга ошади. Кун узунлигининг қисқариши, суткалик ҳаво ҳароратининг кўтарилиши (26-31 °С) гуллар очилишига таъсир этади.

5. *M. chamomilla* ни пуштасимон қаторлаб (60 см) экиш ёппасига (полга) ҳамда лентасимон кенг қаторлаб (60x45 см) экиш вариантларига қараганда юқори афзалликларга эга бўлиб, бу далада намликни текис тақсимланиши, агротехник тадбирларни меъёр даражасида амалга оширилиши, хом ашёни йиғиш ва транспортировкакалашни қулайлиги билан изоҳланади.

6. Кузги муддатда экилган *M. chamomilla* нинг мавсумий

ривожланишида фенологик фазаларнинг узок муддат давом этиши ва гунчалаш, гуллаш, мевалаш ҳамда уруғларининг етилиш фазаларининг баҳорги экиш муддатида экилган ўсимликларга нисбатан анча узун бўлади. Бу ўсимлик ҳам ашёси миқдори ва сифатини белгиловчи асосий индикатор ҳисобланади. *C.officinalis* вегетация даврининг давомийлиги экиш чуқурлигига қараб ўртача 191-245 кунни ташкил этади. Унга кўра 2-3 см чуқурлигида экилган ўсимликлар фенологик фазалари 1-2 см ва 3-4 см чуқурликда экилган ўсимликларга нисбатан давомийлиги билан ажралиб туради.

7. Хоразм воҳаси шароитида *M.chamomilla* шўрланишга чидамлилиги (ўртача чидамли), намликка бўлган талаби (кам талабчан), юқори (ўрта чидамли) ва паст (чидамли) ҳароратларга чидамлилиги, табиий ҳолда кўпайиш имкониятларига (жадал) кўра интродукция шкаласи бўйича ўта истиқболли (90 балл) ўсимлик сифатида баҳоланади. *C.officinalis* эса шўрланишга нисбатан ўртача чидамлилиги, намликка кам талабчанлиги, юқори ҳароратга ўртача, паст ҳароратга эса чидамлилиги, табиий кўпайишга жадал мойиллигига кўра 80 балл билан истиқболли тур сифатида баҳоланади.

8. Хоразм воҳаси шароитида *M.chamomilla* ва *C.officinalis* нинг кенг масштабдаги плантацияларида 4 туркум, 5 оилага мансуб бўлган 9 тур ҳашаротлар учрайди. Шунингдек, *M. chamomilla* илдиз чириш ва ун-шудринг касалликлари, *C.officinalis* эса юқорида қайд этилган касалликлардан ташқари занг, кулранг чириш ва қора доғланиш касалликларига мойиллиги билан ажралиб туради. Бунда ўсимликлар касалликлар билан ўртача даражада зарарланади.

9. Хоразм воҳаси шароитида етиштирилган *M.chamomilla* ҳам ашёси таркибида асосий компонентлар сифатида монотерпеноидлар (β -туйон - 3,13 % ва 3.54 %), (камфора - 7.98 % ва 8.27 %); сесквитерпеноидлар (бисаболол оксид - 32.68 % ва 29.67 %), (бисаболон оксид - 5.64% ва 5.80 %), углеводородлар: (пентакозан - 10.76 % ва 11.37 %), (гептакозан -7.63 % ва 8.08 %) ва (*n*-нонакозан - 7.35% ва 7.70 %) сақлайди. *C.officinalis* ҳам ашёси асосий компонентлари сифатида сесквитерпеноидлар (бисаболол оксид - 35.93 % ва 26.55 %), (бисаболол оксид В - 12.38 % ва 9.45%), (бисаболон оксид - 5.04 % ва 5.12 %) ҳамда узун занжирли углеводородлар (*n*-гептакозан - 7.57% ва 9.96 %), (*n*-тетракозан - 8.01 % ва 9.55 %), (*n*-пентакозан - 9.65 %), (*n*-докозан - 15.62 %) айтиш сақлайди. *M. chamomilla*, *C.officinalis* ни ҳам ашёси ташқи кўриниши ва кимёвий таркиби жиҳатидан барча талабларга тўлиқ жавоб беради ҳамда ҳам ашёси таркибида аниқланган асосий компонентларнинг миқдори бошқа ҳудудларда етиштирилган ҳам ашё таркибидаги миқдорга тенг ҳисобланади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD 03/30.12.2019.В.91.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ
ГУЛИСТАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ХОРЕЗМСКАЯ АКАДЕМИЯ МАЪМУНА

ХУДАЙБЕРГАНОВ НОРБЕК АТАБАЕВИЧ

**ИНТРОДУКЦИЯ И СОЗДАНИЕ ПЛАНТАЦИЙ ПЕРСПЕКТИВНЫХ
ЛЕКАРСТВЕННЫХ РАСТЕНИЙ СЕМЕЙСТВО СЛОЖНОЦВЕТНЫХ
(*ASTERACEAE*) В УСЛОВИЯХ ХОРЕЗМСКОГО ОЗИСА**

03.00.05 – Ботаника

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Гулистан – 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистана за номером B2019.2.PhD/B312.

Диссертация выполнена в Хорезмской Академии Мамуна

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.....) и Информационно образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Тўхтаев Бобокул Ёркулович доктор биологических наук, профессор
Расмий оппонентлар:	Адилов Бехзод Абдуллаевич доктор биологических наук, старший научный сотрудник
	Хайдаров Хислат Кудратович доктор биологических наук, профессор
Етакчи ташкилот:	Джизакский государственный педагогический университет

Защита диссертации состоится «23» 09 2023 года в 11⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.30.09.2019.B.91.01 при Гулистанском государственном университете в актовом зале университета. (Адрес: 120100, Сырдарьинская область, город Гулистан, 4-мкр. Тел.:(+99867) 225-39-25, факс:(+99867) 225-39-25, E-mail: glinfo@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Гулистанского государственного университета (зарегистрировано за №1). Адрес: 120100, Сырдарьинская область, город Гулистан, 4-мкр. Тел.: (+99867) 225-39-25.

Автореферат диссертации разослан 08.09 2023 года.

(реестр Протокола № 1 от 09 09 2023 года).



А.Пазиров
Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор

Ф.П.Ганбазарова
Уполномоченный секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, д.ф.н.б(PhD), доцент

Э.Б.Шакарбоев
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в результате развития фармацевтической промышленности на мировых масштабах увеличивается спрос на лекарственные растения. А именно, изучение биоморфологических свойств лекарственных растений, проведение работ по их интродукции, организация их плантаций, натурализация и освоение производства лекарственных препаратов, разработка рекомендаций по разработке лекарственных препаратов на основе субстанций лекарственных растений, доведение этого показателя до 70-80 %, имеет важное научно-практическое значение.

Во всем мире проводятся научные исследования, направленные на выявление причин уменьшения количества видов лекарственных растений, совершенствованию способов их сохранения и воспроизводства. Поэтому, научно обоснованное выращивание перспективных лекарственных растений на больших площадях послужит наиболее перспективным источником для обеспечения фармацевтической промышленности достаточным количеством сырья. Особенно, в связи с повышением спроса на лекарственные препараты из сырья лекарственных растений *M.chamomilla* и *C.officinalis*, уделяется особое внимание размножению растений в различных условиях, организации их плантаций и получению качественного сырья.

В нашей республике ведутся научные исследования по выращиванию *M.chamomilla* и *C.officinalis* из семейства *Asteraceae*, организации их плантаций на засоленных землях, и достигнуты определенные результаты. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены важные задачи по «доведению производимых в стране доли лекарственных средств и изделий медицинского назначения до 80 %». Исходя из этих задач, интродукция видов *M.chamomilla* и *C.officinalis* из семейства *Asteraceae* на засоленные земли нашей республики, оценка интродукции, определение фитохимического состава, организация и увеличение его плантаций, а также внедрение их в практику имеет большое научно-практическое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-5032¹ «О создании свободных экономических зон «Зомин-фарм», «Косонсой-фарм», «Сирдарё-фарм», «Бустонлик-фарм» и «Паркент-фарм»» от 3 мая 2017 года, Указе Президента Республики Узбекистан № УП-139 «О мерах по созданию цепочки добавленной стоимости посредством эффективного использования сырьевой базы и поддержки переработки лекарственных растений» от 20 мая 2022 года, Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-3532 «О дополнительных мерах по

¹Указ Президента Республики Узбекистан от 3 мая 2017 года № УП-5032 “О создании свободных экономических зон «Зомин-фарм», «Косонсой-фарм», «Сирдарё-фарм», «Бустонлик-фарм» и «Паркент-фарм»“.

ускоренному развитию фармацевтической отрасли» от 14 февраля 2018 года, Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-4670 «О мерах по охране, культурному выращиванию, переработке дикорастущих лекарственных растений и рациональному использованию имеющихся ресурсов» от 10 апреля 2020 года, Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-4901 «О мерах по расширению масштаба научных исследований о выращивании и переработке лекарственных растений, развитии налаживания их семеноводства» от 26 ноября 2020 года и Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-251² «О мерах по организации культурного выращивания, переработки и широкого использования лекарственных растений в лечении» от 20 мая 2022 года, а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и техники республики V. «Сельское хозяйство, биотехнологии, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Таксономия, распространение, морфология и рост *Matricaria chamomilla* и *Calendula officinalis* A. Chauhan (2007), O.Singh (2011), A.K. Халид (2012), сроки посева и нормы всхожести семян Ф.Г. Arjenaki (2011), засухо- и солеустойчивость К. Размджоо (2008), данные об урожайности и химическом составе представлены в работах ряда зарубежных ученых, таких как Muley V., Khadabadi S. (2009).

